

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРҚОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

2022 йил «15» Август ШАРТНОМАСИ
14-1010-сон

Электр таъминоти корхонаси
Т/Ш/Э/К номи

Электр таъминоти корхонаси асосида фаолият юритувчи раҳбари
(туман/шаҳар) Электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.

М. Мурадов (кейинги ўринларда «Корхона»
(истеъмолчининг номи))

деб аталади) бир томондан Масъуд асосида фаолият юритувчи
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Э. Б. Қудратов (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 260 586 кВт.с. реактив — кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 114 286 400 (бир юз қирқ етти миля тўрт юз қирқ етти минг тўрт юз қирқ етти) руб. тариф бўйича 114 286 400 (бир юз қирқ етти миля тўрт юз қирқ етти) руб. тариф тури. табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (керамиси ёзиқси)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қисёовидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб боровучи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкلامали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкلامали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкلامали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шақллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмайдиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар ҳукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатилиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг « » санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан қамқаб 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган саналдан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатолликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортика тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан давво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталдаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган қоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шақллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бролли истеъмолчилар тўловлари).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдори нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатиладиган электр энергияси микдори мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларида мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинди.

«Корхона» «Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифларнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоз микдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг тақослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиши, талон-тароҳ қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қонундан қийинчилик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий таъбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан, бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Худуддаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябритан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар қилиниши. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплашга;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органига (мансабдор шахста) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзнергоспециация» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиршига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

йил мобайнида янгиланган ишга туширилмаган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камда бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун «Корхона»га буюртма бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узагишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур.

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;
энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

маҳсулот берилишини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисодий жиҳатдан асосланган игор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технология; яққа тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик (ўзгартрилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш; корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар

ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи метёбларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) берилишига электр энергияси сарфининг тасдиқланган метёбларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олинган ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олинган тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қўтилайётган узилишлар тўғрисида уч қўдан кечимасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олинган хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағайиш жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган тақлифларга мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатилиш, плөмбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олинган моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб беришнинг учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани соझлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олинган моддий жавобгар бўлмайди;

«Корақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган микдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияси учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда факултогда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олинган жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музоқара ўтказиш орқали хал қилинади. Келишмовчиликларни музоқара ўтказиш орқали хал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчилиқда белгиланган тартибда хал қилинади.

VI. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 11 ой 15 кун гача бўлган муддатга тузилди.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугатишдан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартриш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Душанбе широкли мотариаллари таъминоти
Юридик манзили Душанбе широкли мотариаллари таъминоти
Ҳисобрақами 10002000072384731084004004
Банк коди (МФО) 000001 STIR (ИНН) 100 59 2480

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган **Истеъмолчилар учун:**
Бюджет фондидикин хисобрақами 10002000072384731084004004
Банк коди (МФО) 000001 STIR (ИНН) 100 59 2480
Бюджетдан ташқари фондидикин хисобрақами
Банк коди (МФО) 000001 STIR (ИНН)
ҚҚС тўловчининг коди
Телефонлар: 61-532-25-15 Факс: 61-532-25-12 e-mail:
(Истеъмолчидикин, шу жумладан раҳбариникин уяли ,факс телефонлари коди электрон манзил ёзилган)

Кадастр рақами _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) _____
DBVIT (COOҒУ) _____
MHOVT (COATO) _____
(КФС)
TSHK (КОПФ) _____
КОРХОНА: Душанбе широкли мотариаллари таъминоти
Почта манзили Душанбе широкли мотариаллари таъминоти
Ҳисобрақами 100836001003453488
Банк коди (МФО) 000001 STIR (ИНН) 100 59 2480
ҚҚС тўловчининг коди
Телефонлар: 61-532-20-90 Факс: 61-532-20-90

Статистик кодлар:

DBVIT (COOҒУ) _____
MHOVT (COATO) _____
Истеъмолчи:
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.

Корхона
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.
Юристонсулт.
(Илзо)

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси.
ЮРИСТКОНСУЛТ ХУЛОСАСИ:
ф.И.Ш. юристонсулт.
Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси.
Узбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномадаги тузилган шартномани тузиш учун Узбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монидлик қилинади. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Узбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунини ва «Ушжалик юридувчи субъектлар фидоиятининг шартномаси ҳуқуқий базаси туғрисидаги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан солиб чиқиши мумкин бўлган жавобларлик масаласи томонлар ўртасида қонуний қилинган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги иштирокчи халқиниш тартиби белгиланган.

Электр таъминотининг шартномасига
I - илова

Етказиб берилмаган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи 4
2. Фаолият тури Истеъмолчи қаридикин
3. «Истеъмолчи» электр қурilmаларининг уланган қуввати: 380 кВт
(кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 260526 кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) 3
6. Ҳисоб-китоб тури: Душанбе широкли мотариаллари таъминоти

тариф тури: таъминаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (краслини ёзилган)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	<u>200 526</u>				<u>260 526</u>
Январь	<u>26 842</u>				<u>26 842</u>
Февраль	<u>26 842</u>				<u>26 842</u>
Март	<u>26 842</u>				<u>26 842</u>
Апрель	<u>26 842</u>				<u>26 842</u>
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 20 соат, ояга 30 кун

Умумий юзгамага нисбатан сменалар бўйича юклиниш % ҳисобида I, II, III

Истеъмолчи
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.

Корхона
М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш.

М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш. (Илзо, Ф.И.Ш., сана)

М.У. Илзо, лавозим, Ф.И.Ш. (Илзо, Ф.И.Ш., сана)